

## ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 15/12

Самарканд шаҳри

«15» сентябрь 2022 й.

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи Самарканд вилоят ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси (низом, буйруқ) асосида фаолият олиб боровчи Д.Х.Жуманиязов бир томондан ва бундан буён "БАЖАРУВЧИ" деб аталувчи "DIAMAND BUILDER" МЧЖ номидан устав асосида фаолият олиб боровчи И.Хасанов бошқа томондан ушбу контрактни қўйидагилар тўғрисида туздилар.

## 1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни (хизматни) бажарувчидан қабул қилади ва шартномада келишилган нархда хизмат ҳақини тўлайди, БАЖАРУВЧИ эса қўйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради (бажаради):

| № | Товарларнинг номи     | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи  | Суммаси |
|---|-----------------------|---------------|---------|--------|---------|
| 1 | Подставка для унитаза | дока          | 40      | 134600 | 9384000 |
| 2 |                       |               |         |        |         |
| 3 |                       |               |         |        |         |
| 4 |                       |               |         |        |         |
|   | Жами:                 |               |         |        |         |

1.2. Контрактнинг умумий суммаси ККС билан

( ) сўмни ташкил қилади.

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" маскур шартномани газначилик булинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% микдорида олдиндан тулаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сунг 5 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тулайди.

2.2. "БАЖАРУВЧИ" маблағни БАЖАРУВЧИнинг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. Агар маскур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Буюртмачи ҳисобидан амалга оширилади.

2.4. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.5. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.6. Маскур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, маскур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

БАЖАРУВЧИдан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, БАЖАРУВЧИдан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар маскур контрактнинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Сифатсиз товар берилганда ўз ихтиёрига кўра қўйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- қамчиликларни беғараз бартарф этиш;

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- маскур контрактга мувофиқ берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини маскур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тулаш.

3.3. БАЖАРУВЧИ қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" тўлов булган тақдирдагина ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманоммага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. БАЖАРУВЧИнинг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни маскур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда тақдим қилиш;

- агар товарларни тақдим қилиш жараёнида БАЖАРУВЧИ контракт шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 15- кун муддат ичида барча аниқланган қамчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Маскур контракт белгиланган тартибда маскур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

#### 4. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

4.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

4.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита ҳўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

4.3. Томонлар ҳўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги ҳўжалик судида кўриб чиқилади.

#### 5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 феввалидаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

#### 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

#### 7. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт рўйхатга олинган кундан бошлаб 31.12.2022 йилга қадар амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

#### 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| БАЖАРУВЧИ                                     |            |
|-----------------------------------------------|------------|
| Ташкилот номи: "Diamond builder" МЧЖ          |            |
| Манзил: Самарканд шаҳар Беруний кучаси 45а уй |            |
| Телефон: +998939988999                        |            |
| Факс:                                         |            |
| ИНН: 306325753                                |            |
| Х/Р: 20208000305054308001                     |            |
| Банк: САМАРКАНД Ш., "ТРАСТБАНК" ХА            |            |
| БАНКИНИНГ САМАРКАНД ФИЛИАЛИ                   |            |
| МФО: 01097                                    |            |
| Рахбар (директор):                            | И. Хасанов |
| (подпись)                                     |            |
| М.П.                                          |            |

| БУЮРТМАЧИ                        |           |
|----------------------------------|-----------|
| Ташкилот номи: Велостройсервис   |           |
| Манзил: Бошқармаси               |           |
| Телефон: М. 412786 94-24         |           |
| Факс:                            |           |
| ИНН: 201213685                   |           |
| ШХВ: 400121860184017036200054025 |           |
| ЯГх/р: 23402000300100001010      |           |
| Банк: Марказий банк ХҚМ          |           |
| МФО: 00014                       |           |
| Рахбар (директор):               | (подпись) |
| М.П.                             |           |

Юрист: \_\_\_\_\_

Юрист: \_\_\_\_\_